

Санобар ДЖУРАЕВА,
Ўзбекистон Миллий
университети докторанти

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ҲАҚИДА



Тоғлар ўлкаси бўлган Деҳқонобод қадим тарихга эга. Бу қадимий маскан ҳақида А.Темурнинг “Темур тузуклари”да, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарларида маълумотлар берилган. Темурийлар даврининг машҳур тарихчиси Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” китобида Деҳқонободнинг икки қадимий номи: Тангичаккак ва Тангихарам бир йўла тилга олинади.¹ Тангичаккак - “тор”, “қиска” маъноларини билдиради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Танги” сўзи форсча “торлик” “сиқиқлик”, “тор дара” маъноларини англатади.² “Харам” сўзи “сахн”, “чегара”, “жой” маъноларини бирдиради.³ Яъни “Тангихарам” тоғлар орасидаги текислик, кенгиш жой бўлмаган тор жой маъносини беради.

Манбаларда қайд этилишича, Бактрия, Суғдиёна, Марғиёна сингари қадимий давлатлар бўлган вақтларда ҳам бу ерларда одам яшаган. Ҳаттоки, Александр Македонский ҳам бу жойларни четлаб ўтмаган. Ушбу жойдан

Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларга карвон йўли ўтган.⁴

Ҳозирги Деҳқонобод тумани 1926 йилнинг 29 сентябрида ташкил топган. Ўша вақтда туман Бухоро вилояти таркибида бўлган, 1927/1934 йилларда Ғузор, сўнгра, Бойсун туманида қўшиб юборилган. Ундан 1935 йилда ажралиб чиққан. Аввал чўл бўлиб, кейин обод бўлгани учун “Деҳқонобод” деб атала бошлаган.⁵

Деҳқонобод тумани Қўрғонтепа маҳалласи Хўжаипок кишлоғи тоғ ҳудудида Туркменистон Республикаси билан чегарадош. У ерда Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган.⁶

Зиёратгоҳда халқ орасида Араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган 7 хўжалардан бири Хўжаипок ота хоки ётибди, қабр рамзийдир.⁷ Бу ердан олтингугуртли сув чиқади. У тери касалликларига даво.

⁴ А.Нуриддинов, Қ.Йўлдош, Нур ёғилган юрт одамлари. Т.: Адабиёт учкунлари, 2007. Б. 11-12.

⁵ К.Тошқулов. Қадимий ва навқирон Деҳқонобод. Т.: Мухаррир, 2012. Б. 3. Биринчи китоб.

⁶ Дала тадқиқотлари Деҳқонобод тумани. 2019 йил 27 август 4 дафтар.

⁷ Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Каттакўрғон маҳалласи Хожа ота кишлоғида яшовчи, 1975 йилда туғилган. Аширов Келдиёр билан қилинган суҳбат. Зиёратгоҳ мутаваллиси. 2019 йил 7 август. 4 дафтар.

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 492.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. Б. 661.

³ Ислам энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. Б. 308.

Хўжа сўзи форсча обрў эътиборли киши, соҳибу фахрий унвон ва мурожаат шакли. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар Хўжалар-Хулофои-Рошидин (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али)нинг Муҳаммад (с.а.в)нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари, авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда хўжалар арабларнинг фатхий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади.⁸

Хўжайпок ота зиёратгоҳи Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида ҳам бор. Бу ердан ҳам тоғнинг тагидан олтингугуртли муздек сув чиқади.

Дехқонобод тумани Қорадаҳна қишлоғи орқали Хўжаи-Ипакконсой даралари ва чашмаларига борилади. “Даҳна” сўзи форсча қоп-қора деган маънони билдиради. Қишлоқ дара ва қирлардан иборат бўлгани учун “Қора даҳна” дейилади. Қишлоқнинг жанубида “Жайра-булок” деб номланган булок бор. Бу ерда Шўролар даврида қизилларга қарши курашган Холмурод исмли йигитнинг қабри бор. У очиқ жойда жойлашган.⁹

Хўжаипакконсой чашмалари, Шаршар ота ва Шўркўл суви шифобахш бўлиб, одамлар зиёратга келишади. Бу жой Хўжаипакконсой зиёратгоҳи деб ҳисобланади.¹⁰ Диккатга сазовор жойи шундаки, хўжалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларда табиий сув чиқади. Бу сув тери касалликларига даъво. Маҳаллий аҳоли қабри зиёрат қилиш билан бирга тери касалликларига шифо истаб келади.

Нишон тумани

Қашқадарё вилояти Қарши туманининг жанубий ҳудудида 1975 йилда янги район, Нишон райони ташкил топди.¹¹ Қашқадарё вилояти Нишон туманида, Эски Нишондан бир неча чақирим узоқликдаги Откудук қишлоғи

яқинида Жунайд ал Бағдодийнинг рамзий қабри мавжуд.¹²

Ҳазрат Жунайд ал Бағдодий аҳли сунна вал-жамоанинг буюк улломаларидан. Ҳижрийнинг III асрида сунний тасаввуф шайхларидан, буюк аллома Жунайдия оқимининг асосчиси бўлган. Айрим манбаларда 831 йилда Бағдодда таваллуд топган ва бутун умрини шу ерда ўтказган.¹³ Тасаввуфда аллома Жунайд ал Бағдодийнинг устозлари Сари ас Сақатий ва ал Харис ал Муҳасибий (тахм. 781857) бўлган. Улар Бағдод Сўфийлик мактаби асосчиларидан. Аллома сўфийликни доимий рухий покланиш ва турли қарашлар кураши воситаси, деб билган. Жунайд ал Бағдодийнинг 31 та рисоласи бўлиб, “Расоил” деб айtilган. Унда алломанинг мактублари, сўфийликка доир маъкола рисоалари жамланган бўлиб, уларнинг бир қисми Қуръоннинг айрим оятларига шарҳ сифатида ёзилган. Кейинчалик унинг китоблари “Рисооилу ал-Жунайд” (“Жунайд рисоалари”) номли китоб холида 2005 йилда “Икраъ” нашриётида чоп этилган.¹⁴

Манбаларда келтирилишича Ҳазрат Жунайд ал Бағдодий 909 йилда вафот этган. “Табакот” китобида, “Кушайрий” рисоласида бу сана битилган.¹⁵ Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг асл қабри Ирокнинг Боғдод шаҳридадир. Ирок ҳукумати 1980 йилларда Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг макбарасини қайта таъмирлаб катта зиёратгоҳга айлантирган. Ёнида унинг номи билан жоме масжид ҳам қурдирган. Нишон тумани Откудук қишлоғи яқинидаги зиёратгоҳда қабр рамзийдир. Халқ орасида “Соҳибқирон Амир Темур юришлари даврида Қарши шаҳридаги Убайда бин ал Жаррох, Муборак туманидаги Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазий ҳоки-покларини олиб келгани каби, Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳам ҳокларини

⁸ Ислон энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2017. Б. 551552.

⁹ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани. 2019 йил 29 август 4 дафтар.

¹⁰ Н.Тошқулов. Қадимий ва навқирон Дехқонобод. Т.: “Turon-Zamin ziyo”, 2015, Б-19. Иккинчи китоб.

¹¹ Р.Акбаров. Қарши туман тарихи. “Тошкент ислом университети”, 2016. Б. 79.

¹² Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Нишон тумани. 2019 йил 30 август 4 дафтар.

¹³ Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси, Қарши: Насаф, 2017. Б. 4,14.

¹⁴ Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси, Қарши: Насаф, 2017. Б. 14.

¹⁵ Исмоил Хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси, Қарши: Насаф, 2017. Б. 3-4.

олиб келиб, зиёратгоҳга айлантирган” - деган гаплар мавжуд. Бу нечоғли ҳақиқатга яқиндир. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодий зиёратгоҳидан 20 метрлар узоқликда кудук бор.

2017-2018 йилларда Эски Нишонда яшовчи Саидкулов Нуриддинхон Холтўра ўғли (2019 йил ноябр ойида вафот этган) ўз маблағи ҳисобидан Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг рамзий қабрини қайтадан тиклаган ва қабр устига гумбазли ҳонақоҳ қурдирган. Нишон тумани Эски Нишондан 2 километр чамаси узоқликда собиқ Қарри Нишон мавзесида Абу Туроб Нахшабий ан Насафийнинг қабри жойлашган.¹⁶ Абу Туроб Нахшабий ан Насафий 806 йили Нахшаб (Насаф) ҳозирги Қарши шаҳрида туғилган. Бошланғич таълимни ватанимизда олиб, сўнгра Басрада машхур Шайх Ҳасан Басрийдан таълим олган. Пири Мурид даражасига эришган, тасаввуф шайхларидан бири, Хуросон машойихлари орасида машхури бўлган.¹⁷

Унинг қарашларида нафс ва кибрни жиловлаш мусулмон инсонлар ҳаётида нақадар аҳамиятли эканлиги яққол намоён бўлган. Замондошлари уни “Маъно шохининг мардони”, “Такво осмонининг ойи”, “Ҳақиқат илмининг орифи” деб аташган. А.Навоий Абу Туроб Нахшабий ан Насафийнинг тасаввуфдаги маҳоратига юксак ҳурмат билан қараган. Ўзининг “Лисон ут тайр” достонида алломани эҳтиром билан тилга олади. Фариуддин Аттор “Тазкират ул авлиё” асарида шундай ёзади: “Шайх Абу Туроб Нахшабий ан Насафий” “Қаддасоллоҳул азиз вилоят бодиясининг даштининг сайёҳи, замон денгизининг маллоҳи (кемачиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидан”...!¹⁸ Абу Туроб Нахшабий ан Насафий қарашларига эргашган алломалардан бири Абу Мансур ал Мотрудийдир.

¹⁶ Исмоил Хожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан Насафий. Қарши: Насаф, 2018. Б. 6.

¹⁷ Исмоил Хожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан Насафий. Қарши: Насаф, 2018. Б. 4, 5, 6.

¹⁸ Исмоил Хожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан Насафий. Қарши: Насаф, 2018. Б. 4, 5.

Абу Туроб Нахшабий ан Насафий 875 йил вафот этган. Фариуддин Аттор у Басра шаҳрида дафн этилганини айтади. Аммо бошқа манбаларга кўра қабри Қарши шаҳри яқинида.¹⁹ Нишон тумани Эски Нишон яқинида “Шохид ота”, ёки халқ орасида “Чилламозор” деб аталадиган зиёратгоҳ бор. Ҳозирда бу зиёратгоҳ Абу Туроб Нахшабий ан Насафий номи билан боғланади. Бундай аталишига сабаб қабрни таъмирлаш жараёнида “Абу Туроб Нахшабий ан Насафий” деб ёзилган қабртош топилган. Қабр пахта даласининг четида, очик жойда жойлашган. Унинг устига мақбара қурилмаган. 2018 йилда қабрни Саидкулов Нуриддинхон Холтўра ўғли ўз маблағи ҳисобидан таъмирлатган.²⁰

Миришкор тумани

Миришкор туманидаги Помук чўлининг “Нор ўлди” худуди Помук қишлоғидан ғарбий томонга 70 км бўлган масофада “Исҳоқ бува” зиёратгоҳи жойлашган.²¹ Исҳоқ буванинг ким бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Халқ орасида Исҳоқ бува ҳаққа етишган авлиё киши бўлган, у асли Эроннинг Исфакхонидан бўлиб, жасади солинган тулнинг Жайхун дарёсидан ўтиб, Турон заминининг Помук чўлларидаги ҳозирги “Исҳоқ бува” қадамжоси билан машхур маконга қўйганлиги ҳақида гаплар бор.²² Маҳаллий аҳоли у кишини тасаввуф вакили, авлиё ҳисоблаб, қабрларини зиёрат қилишга келишади. Асосан апрел-октябр ойларида бу ер зиёратчилар билан гавжум бўлади. Зиёратгоҳ 1980 йиллар охирида маҳаллий раҳбарлардан бўлган Нурмадат Рустамов томонидан ҳашар йўли билан таъмирланган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз томонидан моддий ёдгорлигимиз бўлган зиёратгоҳларни асраб-авайлашга бўлган

¹⁹ Исмоил Хожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан Насафий. Қарши: Насаф, 2018. Б. 6.

²⁰ Қашқадарё вилоят Эски Нишонда яшовчи 1968 йилда туғилган Саидкулов Нуриддинхон Холтўра ўғли билан бўлган суҳбат. 2019 йил 30 август. (2019 йил ноябр ойида вафот этган)

²¹ Дала тадқиқотлар. Миришкор тумани. 2019 йил 31 август. 4 дафтар.

²² Ш.Шарипов, И.Хошёр. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. Т: Voris-nashriyot. 2016. Б-6-7.

этибор туфайли кайта таъмирланиб, обод масканга айлантирилган.²³

Муборак тумани

Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғида буюк аллома Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазийнинг зиёратгоҳи жойлашган²⁴. Ислом маданияти ва тамуддиниға катта ҳисса қўшган муҳаддис, фикҳшунос, ал-адаб, нахв, сарф, луғатшунос, шоир, тарихчи, қомусий олим, буюк имом мақомиға эришган Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазий манбаларда қайд этилишича, 736 йили Туркманистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Марвда (Туркманистоннинг Марв шаҳри) туғилган. У бутун умрини илм олишға бағишлаган²⁵. Ал Аббос ибн Мусъаб ўз тарих китобида Иброҳим ибн Исҳоқ орқали ал Муборакдан қуйидагича ривоят қилади: у (Ибн ал Муборак) “Эмишки мен тўрт минг олимдан ўрганиб (олиб) уларнинг мингтасидан ҳадислар ривоят қилганман” деб айтган экан²⁶.

Унинг шогирдлари жуда кўп бўлган, чунки ундан жуда кўп олимлар ҳадис ривоят қилганлар. Ҳатто Сўфён ас-Саврий ва бошқа буюк алломалар, ўзи илм олган устозларини ҳам киритиш мумкин²⁷. Алломанинг омон қолган қўлёзма асарларидан айримлари Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги Зоҳирия кутубхонасида ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Жумладан, “Китоб ал-Арба-ийн Ҳадийсан” (“Қирқ Ҳадис китоби”), “Китоб ат тарих” (“Тарих китоби”), “Китобу тафсир ал Куръон” (“Куръон тавсири”) ва бошқалар. Ибн ал Муборак гўзал нафис шеърлар, нозик назмий асарлар яратган фосоҳатли шоир бўлган. Ҳатто Ибн Журайж (757 йилда вафот этган) унинг ҳақида “Мен ундан кўра фасих бўлган бирорта шоирни кўрмадим” деган²⁸.

799 йилда 63 ёшида Ироқда Фрот дарёси бўйида жойлашган Ҳийт шаҳарчасида вафот этган, ўша жойда дафн этилган.²⁹ Қашқадарё вилояти Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғидаги зиёратгоҳда рамзий қабр мавжуд. Буюк бобоколониғимиз соҳибқирон Амир Темур илм-фан ва маданиятнинг улкан ҳомийси сифатида ҳайрли ишларни амалга оширган. Турон заминида етишиб чиқиб, тақдир тақозоси билан узоқ юртларда вафот этиб, қабри қолиб кетган ватандошимиз Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазий ҳокларидан келтириб, ҳозирги Муборак шаҳри яқинида рамзий қабр барпо этган. 1990 йиллар бошларида бу зиёратгоҳ Муборак қишлоғида яшовчи Иброҳимхон Шарифхон ўғли томонидан таъмирланган. Кейинчалик “Муборакнефтваз” унитар шўъба бошқармаси, “Муборакнефтваз”ни қайта ишлаш заводи раҳбарияти томонидан қайтадан таъмирланган. Зиёратчилар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерга маҳаллий аҳоли билан бирга республикаимизнинг турли вилоятларидан ҳам зиёратчилар келишади³⁰.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қашқадарё воҳасида хўжалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд. Соҳибқирон Амир Темур қайси жойларга юриш қилган бўлса, ўша масканлардаги олимлар, диний уламо, саҳоба-ю авлиёларнинг ҳурматларини жойига қўйганлар. Шу сабабли Нишон туманидаги Ҳазрат Жунайд ал Бағдодий, Муборак туманидаги Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазий ва бошқа алломаларнинг ҳоки покларини келтириб, юртимизда у зотларнинг шарафига зиёратгоҳлар барпо этган. Нишон туманидаги Абу Туроб Нахшабий ан Насафий каби тасаввуф олим қабрининг топилиши муҳим воқеадир. Миришкор туманидаги Исҳоқ Бува қабрлари ҳам шу масканда мангу қўним топган. У ерларда ҳоки ётган ислом уламоларининг ҳаёт фаолияти, илмий меъросини чуқур ўрганиш, келгуси авлодга етказиш, ёшлар онгида тўғри дунё қарашни шакллантириш, зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, зиёрат туризмни шакллантириш олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир.

²³ Дала тадқиқотлар. Миришкор тумани. 2019 йил 31 август. 4 дафтар.

²⁴ Қашқадарё вилояти маданий меърос бошқармаси маълумотномаси. Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август. Б. 22.

²⁵ Муҳаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. Самарқанд: Имом Бухорий Ҳалқаро Маркази, 2009. Б. 8.

²⁶ Ўша асар. Б. 37

²⁷ Ўша асар. Б. 62-63

²⁸ Ўша асар. Б. 65

²⁹ Ўша асар. Б. 8

³⁰ Дала тадқиқотлари. Муборак тумани. 2019 йил 31 август. 4 дафтар.